

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят кенгаши сессияси

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги VI сессияси кўчма ҳолатда жойларда давом этмоқда.

КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Сессияда кун тартибдаги қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Республика комиссиясининг 2015 йил 21 октябрдаги йиғилиши баённомаси ижроси юзасидан фермер ҳўжалиқларининг ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича Бўка тумани ҳўқимлигида бўлиб ўтган кўчма сессияда Бўка ва Бекобод, Оқўрғон тумани ҳўқимлигида Оқўрғон ва Куйи Чирчиқ туманларида амалга оширилган ишлар натижаси муҳокама қилинган эди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги кўчма сессияси вилоят Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Тошкент вилоятидан сайланган аъзолари, Халқ депутатлари вилоят

ят Кенгаши депутатлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари, ҳукуқ тартибот идоралари, сиёсий партия гуруҳларининг вилоят бўлими раҳбарлари, Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ ва Пискент туманлари кенгашлари депутатлари, корхона, ташкилот ва фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳўқими Аҳмаджон Усманов олиб борди.

Сессияда кун тартибдаги масала юзасидан Чиноз ва Юкори Чирчиқ туманларида амалга оширилган ишлар натижаси муҳокама этилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон – умумий уйимиз

ҚУДРАТИМИЗ – БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА



Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотувликда яшаб, меҳнат қилмоқда. Вилоятимиз ҳам кўп миллатли ҳўдалардан бири бўлиб, мавжуд 877 та умумтаълим мактабининг 13 тасида рус, 60 тасида қozoқ, 16 тасида тожик, 3 тасида қирғиз ҳамда 216 тасида аралаш тилларда таълим берилмоқда. 54 та босма ахборот воситалари ўзбек, рус ва қozoқ тилларида нашр қилинапти. Шунингдек, 25 та миллий маданият марказлари, исломий ташкилотлар билан бирга бошқа конфессияларга тааллуқли 51 та диний муассасалар миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойилларига амал қилган ҳўлла фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

Кўшма мажлис

ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲОКАМАДА

Вилоят ҳўқимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг кўшма мажлиси бўлиб ўтди.



Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Фавқулодда вазиятлар, Адлия, Ички ишлар, Мудофаа, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Бош прокуратура, Вазирлар Маҳкамаси ҳўзирдаги "Давсувҳўжаликназорат" Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳўлатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, "Ергеодекадастр" давлат қўмитаси, "Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси, "Ўзбекэнерго" акциядорлик компанияси вакиллари, вилоят ҳўқимлиги ва бошқарув органлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мулоқотда "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг вилоятда бажарилиши натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, вилоят ҳўдудида гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги устидан давлат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли орган – "Давсувҳўжаликназорат" Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва

зирликлари, "Ўзбекэнерго" акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, эксплуатация қилиш, қайта қуриш ҳамда таъмирлашда уларнинг техник ҳўлати ишончилигини ва бехатар ишлашини таъминлашга қаратилган муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, 2014 ҳамда 2015 йилнинг 10 ойи мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ вилоятдаги "Давсувҳўжаликназорат" Давлат инспекцияси назоратида бўлган 38 та гидротехник иншоотдан 23 тасида гидротехник иншоотлар хавфсизлиги декларациялари тузилди. Оқўрғон, Шархин, Юкори Чирчиқ гидротехник иншоотлари, Тошкент ва Охангарон сув омбори, Тошкент магистрал канали, Тошкент ГЭС каскади каби 15 та гидротехник иншоот хавфсизлиги декларациясини тузиш якунлашиб, тасдиқлаш жараёни

кечмоқда. 9 та иншоотда мазкур декларациянинг давлат экспертизасидан ўтказиш 2016-2017 йилларда якунланади.

Вилоят аҳолиси ва ҳўдудларини сув тошқинлари, сел оқимлари, ер кўчкиси ҳамда табиий ва техноген хусусиятга эга бошқа фавқулодда вазиятлардан ҳўйма қилишга доир аниқ мақсадли тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, йиғилишда сенатор ва депутатлар мазкур иншоотларда фаолият кўрсатадиган ташкилотлар, гидротехник иншоотларни лойиҳалаштириш босқичида хавфсизлик декларацияларини давлат экспертизасидан ўтказиш устидан назоратни кўчайтириш зарурлиги, хавфсизлигини таъминлаш бўйича авария моддий-техник захираларини яратиш ҳамда улардан фойдаланишга доир талабларга риоя қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Авазбек ҲУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

Ўз уйингни ўзинг асра

Ота-боболаримиз "Тинчликда ўтган ҳар бир кунингга шўқ қил" дея бежиз айтишмаган. Айниқса, ҳозирги долғали замонда бу ҳўқматнинг мағзини чақолмаган одамни маънавийи суст, инсоний сезги ва фаҳм-фаросатдан мосуво дея аташ ўринлидир. Жамият тараққиёти, эл-юрт осойишталигига раҳна солувчи иллатларнинг асосий сабабчилари

ҳам шундай лоқайд, дунёни сув боса тўпига чикмайдиган худбин кимсалардир. Уларга қарши курашиш, билиб-билмай нотўғри йўлга кириб қолганларни огоҳлантириш, ҳўшёрликка чорлаш эса эртанги кундан умидвор, оиласи, ўғил-қизи умуман, келажак авлод тақдирига жавобгар ҳар бир фуқароннинг муқаддас бурчи, вазифасидир.

МАҚСАДИМИЗ – ТИНЧЛИК, ОМОНЛИК

Бу борада вилоят ҳўқимлиги, ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда тузган алоҳида режа асосида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар шу куннинг долзарб мавзуси бўлиши тинчлигини асраб-авайлашга қаратилаётгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Қиррай тумани Зафаробод қишлоқ таълим тарғибкорлик касб-ҳўнар коллежидида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонун тарғиботи бағишлаб ўтказилган "Огоҳлик – мустақиллик" мавзусидаги тадбирларда қишлоқлик ва бошқа дахлдор ташкилот вакиллари иштирок этиди. Катнашчилар ҳар бир маърузани диққат билан тинглаб, фикр-мулоҳазаларини очик-ойдин баён этишди. Дўстона, санимий суҳбат асосида ҳар ким бурч ва вазифаси, мақсади, озод Ватан, тинч-осойишта ҳаёт қадрини яхши билиши, чуқур идрок этиши тадбир ташкилотчиларини қувонтирди албатта. Лекин, гуруҳ курмаксиз бўлмаганидек, ҳукуқбузарларнинг учраб туриши, улар арзимасдек туюлган хатти-ҳаракатла-

ри билан оғир жиноятлар содир этилишига йўл очиб беришаётгани ҳақида республика Ҳарбий прокуратураси матбуот котиби Саидовид Жўраев жумладан, шундай деди:

– Мустақил Ўзбекистондаги тинч ва фаровон ҳаётни кўролмайдиган ғараз ниятли кишиларнинг борлиги аниқ ҳақиқат. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "Ҳозирги кунда яқин ва узок атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар, тўқнашув ва қон тўкишлар, низо ва адоватлар кўча-йўл бораётганини, муҳтасар айтганда, вазият гоят қалтис бўлиб, тобора мураккаб ва кескин тус олаётганини кўрмаслигимиз мумкин эмас..."

(Давоми 2-бетда).

Таълим

ЎҚИТИШ, ЎРГАНИШ, БАҲОЛАШ

"Боланинг тили бол", деб бежиз айтишмайди. Жиянимнинг тили чикар-чикмас, у ёқ-бу ёқдан эшитган кўшигини ёдида сақлаб, хиргойи қиларди.

Яқинда 5 ёшли Абдулҳамид эй, би, си, ди, и, эф, жи (А, В, С, D, E, F, G) ва шу каби яна 20 га яқин муфсийи оҳангга солинган инглиз алифбоси

Республика Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ 2013 йилдан 1-синфларда чет тилларини ўқитиш йўлга қўйилди. Вилоятда ушбу қарор ижросини ўрганиш мақсадида халқ таълими бошқар-

маси инглиз тили фани услубчиси Шаҳноза Жумаева билан суҳбатлашдик. – Чет тилини 1-синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш учун табиийки, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини ҳам шунга мослаштириш керак. Шундай эмасми?

– Халқ таълими вазирлиги ишлаб чиққан янги ўқув режасига мувофиқ 1-, 2-, 3- ва 4-синфлар дарс жадвалига ҳафта-сига 2 соатдан чет тили фани қириптилиди. Ўқувчилар учун дарслик мажмуалари, хусусан, биринчи синфларнинг "Kid's English" – "Инглиз тили болалар учун" дарслиги чоп этилди ва мультимедияли иловалар (CD дисклар) тайёрланди.

(Давоми 3-бетда).

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-чакриқ, 11-сессиясида (1992 йил, 8 декабрь) Мустақиллик Конституцияси қабул қилинди. У иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий муносабат ва маънавий ҳаётда чуқур ислохотлар ўтказиш учун пухта ҳудудий пойдевор яратди. Бош қомусимиз демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳўйма қилиш, Ватанимиз раванглиги ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий қафолатига айланди. Юртимизда тинчлик ва тотувлик ҳўқм сураётгани, аҳоли фаровонлиги йилдан йилга юксалиб бораётгани, ҳар бир фуқаронинг ҳаёти янгича мазмун билан бойиётгани, кишилар онги ва тафаккурида ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани Конституция метёрлари ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолатдир.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси халқ иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Бизнинг Конституция халқимизнинг сиёсий тафаккури маҳсулидир.

Конституцияни нима учун Асосий Қонун, ҳаётимиз Бош қомуси деб биламиз? Нима учун Конституция жамиятимиз учун, ҳар қайси инсон учун байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз каби давлат рамзаларимиздек қадри? Чунки у давлат тузилиши, ҳўқимият ва бошқарув органлари тизими, уларнинг ваколати ҳамда шакллантириш тартиби, сўйлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликлари, давлат ва жамият ҳамда жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради.

Авваламбор, мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратишда уч минг йиллик миллий давлатчилик таърибига таянилган. Бугунги Ўзбекистон қадимги Хоразм ва Сугдиена, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар, Ўзбек хонликлари, маърифатпарвар аждодларимиз, халқимизнинг тарихий анъаналари, унинг мустақил давлат ҳақидаги кўп асрлик орзуни муҷассам этган.

(Давоми 2-бетда).

Ким эдигу ким бўлдиқ?

АЁЛ БАХТИ – ЖАМИЯТ БАХТИ

Мухтарам Президентимизнинг ҳар сатрида, ҳар сўзида Она юрту халққа меҳр-муҳаббат ва сардоқат уфуриб турган "Она юртимиз бахту иқболи ва буюқ келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саноатдир" китоби шу кунларда кенг жамоатчилик эътиборида. Вилоят Маданият саройида "Энг яхши хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танлови вилоят босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ҳам ушбу китоб тақдироти билан бошланди. ТошДАУ қошидаги Қирбай академик лицейи директори Раъно Турдибоевнинг китоб мазмун-моҳияти, айниқса хотин-қизлар хусусидаги фикр-мулоҳазаларга бағишланган кизиқарли маърузаси тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

Ким эди гу ким бўлди?



– Китобнинг “Аёл бахти – жамият бахти” қисмидаги ҳар бир сўз аёлларимиз шаънини янада юксакларга кўтарди, – деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова. – “Ҳақиқий севиға ва садодат намунаси”, “қалби, (Давоми. Боши 1-бетда).

юраги шунчалар гўзал, шунчалар бегубор”, “дунёда ўзбек аёлига тенг келадиган аёл йўқ”, “бундай аёлларимиз бошқа жойда тополмаймиз”... Айтмоқчи бўлганим, биз бундай самимий таърифу тавсифга, меҳр-муҳаббатга муносиб бўлишимиз керак. Тошкент вилоятида шундай фидойи, жонқуяр хотин-қиз-

лар жуда кўп. Улар туфайли оилаларда, маҳалла, ўқув муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарида маънавий-ахлоқий муҳит шаклланиб, соғлом турмуш тарзи қарор топмоқда. Иқтидорли, ғайрат-шижоатли ёшлар, ораста қизлар, Зулфия номидидаги Давлат мукофоти соғирдорлари сафи кенгаймоқда.

АЁЛ БАХТИ – ЖАМИЯТ БАХТИ

– Вилотимизда фаолият кўрсатаётган 3400 га яқин хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилотларини юқорида таъкидланганидек, оқила, маънавиятли, маърифатли аёлларимиз бошқармоқда, – деди вилот ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Бугун энг фаол, энг намунали бошланғич ташкилот раҳбарлари эътироф этилади, тақдирланади.

Албатта, эътибор эътирофга сазовор бўлиш осон эмас. Танловнинг шахар ва туман босқичларида энг намунали деб топилган 9 та хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотли энди республика босқичида ҳам муносиб иштирок эти-

ши вилотимиз хотин-қизлари обрўйи, нуфузи ортишига ҳисса қўшиши шубҳасиз. Зеро, улар “Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти” Низомини асосида, жумладан, умумбашарий, демократик ва ҳуқуқий талабларга жавоб бера оладиган фуқаролик жамиятини барпо этиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, тинчлик, осойишталик, ҳамжихатлик, тотувлик ва барқарорликни, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ёшларнинг одоб-ахлоқи, айниқса, қизларимиз маънавий камолоти йўлидаги фидокорона меҳнати, савий-ҳаракатлари бесамак кетмайди, муносиб баҳосини олади. Шу ўринда мамла-

катимиз раҳбарининг аёллар шаънига оид яна бир мулоҳазасини келтириш жоиз: “Мен қачон ва қаерда бўлмайин, ҳурматли опа-сингилларимиз шаънига энг самимий сўзларни айтиш, уларнинг оғирини енгил қилишга даъват этишдан, шу мақсадда кўлимдан келган барча ишларни амалга оширишдан ҳеч қачон қарачайман...”

Тадбир якунида танлов ғолибларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилиб, катта байрам концерти намойиш этилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири.
Даврон АХМАД
олган сурат.

Ўзбекистон – умумий уйимиз

ҚУДРАТИМИЗ – БИРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Вилот маънавият ва маърифат марказида “Баркамол авлод шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни” мавзuida тадбир бўлиб ўтди. Тадбирдан кўзланган мақсад ёшларда бошқа халқлар урф-одат ва анъаналарига ҳурмат билан қараш ҳиссини оширишдир. Вилот ҳокимлиги, республика Байналмилал маданият маркази, Дин ишлари бўйича кўмита ва республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу илмий-амалий семинар “Инсон азиз, Ватан муқаддас” номи миллий кўргазма намойиши билан бошланди. Кўргазмада миллий кийимлар, уй-рўзгор анжомлари, халқ маданиятини акс эттирувчи, тарихий аҳамиятга эга буюмлар, турли миллий таом ва пишириқлар намойиш этилди.

Тадбирни вилот ҳокими ўринбосари А. Қаршиев очиб берди. Тадбир давомида сўз олганлар ўтган йилларда турли миллат ва элат вакиллари орасида дўстлик, бирдамлик янада кучайгани, уларга давлатиятнинг алоҳида эътибор қаратаётгани, жамиятнинг турли соҳаларида улар эришган ютуқлар ҳақида гапирди.

Семинар “Ўзбекистон умумий уйимиз” номи бадиий дастурга уланиб кетди. Рус, корейс, озарбайжон, қозок, украин, татар, туркман миллий маданий марказлари билан ҳамкорликда тайёрланган шеър, ашула ва рақслар, ижодий гуруҳ ва фольклор дастларининг чиқишлари чинакам дўстлик байрамга айланиб кетди.

Бу каби байрам тадбирлари вилотимизнинг Ангрэн, Бекобод шаҳарлари ҳамда Оққўрғон, Қўйи Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз туманларида ўтказилди. “Қудратимиз – бирлик ва ҳамжихатликда” мавзuida учрашув ва давра суҳбатлари, бадиий дастурлар йилгиланганда катта таассурот қолдири.

(Давоми. Боши 1-бетда). Нозима АРСЛОНОВА.

Семинар

ТАРАҚҚИЁТ ВА МАТБУОТ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтидан семинар ташкил этилди.

“Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг долзарб масалалари” мавзuida ўтган семинарда вилотимиз шахар ва туманларида фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Сўз олганлар мамлакатимизда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини изчил амалга ошириш ҳусусида

тўхталди. Шунингдек, бундан савий-ҳаракатларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг роли бекиёс экани қайд этилди. Маърузачилар, Фуқаро-

лик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтидан фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида гапирди. Бун-

дан ташқари, “ОАВ демократик жамиятнинг муҳим омили сифатида” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Даврон АХМАД олган сурат.



Ўз уйингни ўзинг асра

МАҚСАДИМИЗ – ТИНЧЛИК, ОМОНЛИК

Шунинг учун “Ватан остонадан бошланади” деганларидек, энг аввало, юртимиз остонаси – чегараларимизни кўз қорачиғидек асрашимиз керак. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунини янада чуқур ўрганиб, унга қатъий амал қилиш ҳар биримизнинг вазифамиз, бурчимиздир. Лекин, туманининг чегараолди ҳудудида рўй берган бир-икки ҳолатни айтмаслик мумкин эмас. Яқинда, Қибрай туманида яшовчи бир гуруҳ шахслар олдиндан тил бириктириб, чегарани бузиб, 201 минг 400 АҚШ доллари миқдоридаги

чет эл валютасини яширин равишда Ўзбекистон ҳудудидан Қозғистонга олиб ўтаётганларида чегарачилар томонидан ушланди. Шу ҳудуддаги яна бир гуруҳ фуқаролар яширин тарзда наشا етиштириб, хонадонларида сақлаб келганлар. Бу захри қотил олдидан соттиби билан шуғулланувчиларни Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари қўлга олишиб, жиноий жавобгарликка тортишди. Бундай ҳолатлар, бизнинг тинч-тотув ҳаётимизни кўра олмаётган, айниқса юртимиз келажаги бўлган ёшларимиз онгини заҳарлаш, мафкуравий имунитетини сувайтиришга ури-наётганларга қўл келиши айна ҳақиқат...

– Чегараларимиз дахл-сизлигини таъминлашда нафақат ҳарбийлар, балки чегараолди ҳудуди аҳолиси ҳам гоёт масъуляти, – дейди МХХ чегара қўшинлари масъул офицери Р. Шоймардонов. – Ҳозир эътиборингизга ҳавола этиладиган “Осо-йишта сарҳад барчамизники” ҳужжатли фильмидаги воқеалар ҳеч қанча бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз. Ундан тўғри ҳулоса чиқариш, фарзандларимизни турли маънавий таҳдидлар, халқа-ро терроризм, наркогрессия, одам савдоси, диний экстремизм, ақидапарастлик, оммавий маданият ва бошқа ахборот ҳужуқларидан асраш ҳар бир ота-она, ўқитув-

чи, мураббий, маҳалла ахли, ҳуллас, кексаю ёшнинг Ватан олдидаги бурчи, вазифасидир.

– Бугунги тадбирда айтилган гаплар, ҳужжатли фильм намойиши чегараолди ҳудуди аҳолиси учун муҳим аҳамиятга эга бўлди, – деди “Шалолта” маҳалла раиси Дилмурод ота Жўрабоев. – Бугунги кунда ҳар бир хонадон эгаси, ҳар бир оила аъзоларининг ҳушёрлиги, доимий оғоҳлиги энг зарур омил ҳисобланади. Зеро, Ватан ҳимоясида тинч, осойишта яшар эканмиз, унинг чегараларини қўриқлашда бизнинг ҳам ҳиссамиз бўлиши шарт!

Сайёра ЭШМАТОВА.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Халқимиз тарихига назар ташласак, қадрли анъаналар, яъни ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади. Оиланинг аҳамияти, жамиятда тутган ўрни нечоғли муҳимлиги Конституциямизнинг XIV бобида белгилаб қўйилган. Унга кўра, жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазага олувчи ҳар бир оила муқаддас никоҳ асосида юзага келар экан, никоҳга кирувчилар оила мустақамлигини таъмин этишга оид ҳуқуқ ва вазифаларини сидқидилдан бажаришлари белгилаб қўйилган, зеро оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир.

Асосий Қонунимиз яратилишининг мураккаб ва муҳим, айна чоғда шарафли солномасига назар солар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик йўлидаги узок изланишлари натижаси эканига ишонч ҳосил қиламиз. Миллий давлатчилигимизнинг энг муҳим қадриятларини белгилаб берадиган Асосий Қонунимизда давлат ва жамият қурилишининг муҳим ҳуқуқий тамойиллари аниқ ифода этилган бўлиб, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларида бўлиниши ҳал қилувчи қоида сифатида муҳрлаб қўйилган. Уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида ҳуқуқий асосда тоталитаризм иллатларини истисно қиладиган умуминсоний демократик меъёрларни қарор топтирмайди.

Юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асослари яратилиб, янгича иқтисодий муносабатлар тамойиллари жорий этилди, тегишли инфратузилма институтлари ташкил қилинди. Бугунги талабга жавоб берадиган мулкка янги молия ва икки босқичли замонавий банк тизимлари шакллантирилиб, иқти-

содиётиимизнинг барча тармоқларида чуқур ислохотлар амалга оширилди.

Биз эришган ютуқларнинг энг муҳими шуки, эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганини бугунги кунда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси чуқур англаб ва бутун онгу шуури билан ҳис этиб яшамокда. Конституциямизнинг қоида ва меъёрларига таяниб, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг демократик тараққиётини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда халқ фаровонлигини юксалтириш жараёнлари янада фаоллашгани, қўламини ва микёси тобора кенгайиб бораётганини яққол кўриб турибмиз.

Биринчидан, мамлакатни ислоҳ қилиш ва демократик жараёнлар изчил илгарिलाб бораётган. Иккинчидан, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётган. Учинчидан, ҳаёт даражаси жадал юксалаётган. Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў эътибори ошаётган ва нияҳат бешинчидан, халқимиз онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанг кунга ишончи янада ортаётган.

Ҳулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимиз демократик тараққиётининг ҳуқуқий қафолати бўлиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси Конституциямиз қоидаларининг ҳаётий ҳамда халққил эканининг ёрқин исботидир. Бугунги кунда энг долзарб вазифа Бош қомисимиз белгилаб берган асосий қоида ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборатдир.

Ақмал УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭЪЛОНЛАР

Дикқат! Дикқат! Дикқат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари дикқатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополияни чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмондонининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармалари, “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич охиб боришни тартибга солиб ўтказилган оқиқ аукцион савдоларида тақдир этилади!

Аукцион савдоларида қўйилган давлат аукционлари қўйилган:

1. Бўстонлиқ туман ҳокимлиги ба-лансидати, Бўстонлиқ тумани, Соғдиқ Кўли ҳудудида жойлашган “Соғдиқ” КЎБ биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майdonи - 0,0669 га;

қурилиш ости майdonи - 669,04 кв.м;

– энг юқори сотиб олиш тўловини тақдир этилиб;

– сотиб олиш қийматини қисқа му-ддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи - 1 358 730 000 сўм.

Баландса савдоқчи: Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги.

Флоатинг иқтисоси: маъмурий бош-қару.

2. Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги ба-лансидати, Бўстонлиқ тумани, Бурмуқ-ло қишлоғида жойлашган “Бурмуқло заргарлик завоит”нинг флоатинг қўра-маёти мулкка кўчирилган.

Аукционга қўйилган давлат активи-нинг тавсифи ва шартлари:

умумий ер майdonи - 2,2 га;

қурилиш ости майdonи - 4801,69 кв.м;

– энг юқори сотиб олиш тўловини тақдир этилиб;

– сотиб олиш қийматини қисқа му-ддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи - 6 635 18 000 сўм.

Баландса савдоқчи: Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги.

Флоатинг иқтисоси: маъмурий бош-қару.

Савдо ташкилотининг: “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақмонш кўча-си, 1-А уй. Тел/факс (0-371) 228-80-23, веб сайт: www.klms.uz, электрон почта: kltsavdo@inbox.uz.

Лисензия: КК 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 4 январь кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақмонш кўча-си, 1-А уй манзилда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда, тақдиринг савдолар 2016 йил 19 январь, 3, 18 февраль, 4, 23 март, 7, 22 апрель, 10, 25 май, 9, 24 июнь, 11 июль кунлари соат 11:00 да

бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолибллик баённомаси низолаштиришдан саноидан бошлаб 20 кундан кечикмай олдин-сотида шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат аукцион бошлан-ғич нархининг 15 фоизидан кам бўлма-ган миқдорда олдиндан Савдо ташки-лотининг “Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қўйилган банк реқвизитла-рини ақалат пулини тушлари лозим:

АИТВ “Йилас йўли” Саноит фирмаси, ҳ/х/р 2020800094920609114, МҚО 01036, СТИР 207122519.

Аукционда қатнашгани буюртмамо-ма қабул қилиш билириномона эълон қилинган саноидан бошланади ва бил-дириномонада кўрсатилган аукцион сав-доси ўтказилганидан кунин савдо бошла-нишдан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашгани учун савдо таш-килотининг талабдор ёки унинг ваки-ли аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълон-да белгилашган муқддатларда шахсан ёки пошта бўйича қўйилган ҳужжатлари и-лова қилиш ҳолда аукционда қатна-шгани буюртмамогани икки нуқсалада тақдир этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйх-атида ўтказилганлиги тўғрисидаги тўғро-номанинг нуқсали, шунингдек тўлиқ ва-колатли вакилнинг аукционда қатна-шининг учун қонун ҳужжатларида бел-гилашган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлаётган ҳужжат-нинг нуқсали илова қилинган ишонч-нома;

– жисмоний шахслар учун лав-портининг нуқсали, аукционда тўлиқ ва-колатли вакил қатнашгани тақдирда, шу-нингдек қонун ҳужжатларида белгила-шган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқ-лайдиган ҳужжатнинг нуқсали илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғри-сидаги билдириномонада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига ақалат тўлиқла-нишни тасдиқлаётган тўлов ҳужжат-нинг нуқсали.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақмонш кўча-си, 1-А уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 228-80-23, факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: kltsavdo@inbox.uz.

Интернет тармоғидаги веб сайт: www.klms.uz, www.kluz.uz.

Хурматли табиқдор ва ишбилармон-лар! Савдоларнинг ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланган ҳужжатла-рини бузилган тақдирда Давлат рақо-бат қўмондонининг (0-371) 239-21-37 ра-қамли Ишонч телефонида зўлиқ бил-лан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

“REAL AUCTION” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиланган очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Аукцион савдолари: Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижроичилари бўлими томонидан: 1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани “Қў-Тарак Матлубот Инвест” МЧЖга савданаётган: 2015 йил 27 апрелдаги 86/1573-сонли иккю варақ-санига асосан: 2015 йилда и/ч., дав/рак: 10N491KA, бошланғич баҳоси - 27 722 700 сўм бўлган “СПАРК” реуемли; 2. Тошкент вилояти Занги-ота тумани ИИБ ЙХХБ жарами майлончасида савданаётган: 8068/2-сонли иккю варақсанига асо-сан: 1. 2011 йилда и/ч., дав/рак: 10Z358DA, бош-ланғич баҳоси - 22 270 189 сўм бўлган “Нексия Доне 1.6” реуемли; 2. 3726/2-сонли иккю варақ-санига асосан: 1982 йилда и/ч., дав/рак: 10I165FA, бошланғич баҳоси - 4 500 572 сўм бўлган, “BA3-210333” реуемли; 3. 2-88-15-сонли иккю ҳужжати-га асосан: 2008 йилда и/ч., дав/рак: 10V770EA, бошланғич баҳоси - 46 234 800 сўм бўлган “То-йота ЯРИС” реуемли; 4. 2-88-15-сонли иккю ҳуж-жатига асосан: 1999 йилда и/ч., дав/рак: 01Y566DA, бошланғич баҳоси - 38 011 939 сўм бўлган “Мерседес Бенц С 180” реуемли; 5. Тошкент вилояти Зангиота тумани “OAZIS MEGA BIZNES” SAVDO МЧЖ оморхонасида савдана-ётган: 11919/24-сонли иккю варақсанига асо-сан: 2013 йилда и/ч., дав/рак: 01M449PA, бошлан-ғич баҳоси - 34 816 491 сўм бўлган “Кобальт” реу-емли автотранспорт воситалари тақдирдан савдо-га қўйилмоқда. Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижроичилари бўлими томонидан 2015 йил 14 августдаги 17230/7-сонли иккю ҳужжатига асо-сан: Тошкент вилояти, Қибрай тумани “GULNOZA BARAKA” МЧЖ оморборида савдана-ётган: 1. 2013 йилда и/ч., дав/рак: 10T773KA, бошланғич баҳоси - 37 500 000 сўм бўлган “СПАРК” реуемли; 2. 2013 йилда и/ч., дав/рак: 10S775JA, бошланғич баҳоси - 47 471 814 сўм бўлган “COBALT” реуемли автотранспорт воси-талари савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 17 декабрь кунин соат 11:00 дан бошлаб ўтқа-зилади. Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани суд ижроичилари бўлими томонидан 2015 йил 11 майдаги 225-сонли иккю варақсанига асосан: Тош-кент вилояти, Урта Чирчиқ тумани Корсуқа Кў-ли манзилда савданаётган: 2006 йилда и/ч., дав/рак: 10A855EA, бошланғич баҳоси - 29 000 000 сўм бўлган “ГБА-СПГ-Нексия Соно-1” реуемли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижроичи-лари бўлими томонидан: 1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Ниёбонш кўчаси, 27-уй манзи-лида савданаётган 2015 йил 3 августдаги 11-7535/7661-сонли иккю ҳужжатига асосан: 1. 2008 йил-да и/ч., дав/рак: 10/8831AA, бошланғич баҳоси - 25 000 000 сўм бўлган Мидибус “ISUZU” реуем-ли; 2. 2008 йилда и/ч., дав/рак: 10/8811AA, бош-

ланғич баҳоси - 24 962 000 сўм бўлган Мидибус “ISUZU” реуемли; 3. 2008 йилда и/ч., дав/рак: 10/8791AA, бошланғич баҳоси - 24 228 000 сўм бўлган Мидибус “ISUZU” реуемли; 4. 2008 йилда и/ч., дав/рак: 10/884JAA, бошланғич баҳоси - 25 000 000 сўм бўлган Мидибус “ISUZU” реуемли; 5. 2008 йилда и/ч., дав/рак: 10/886JAA, бошлан-ғич баҳоси - 25 000 000 сўм бўлган Мидибус “ISUZU” реуемли; 6. 2014 йилда и/ч., дав/рак: 10/258ABA, бошланғич баҳоси - 55 195 000 сўм бўлган Мидибус “ISUZU SAZHP” реуемли; 7. 2014 йилда и/ч., дав/рак: 10/259ABA, бошлан-ғич баҳоси - 55 195 000 сўм бўлган Мидибус “ISUZU SAZHP” реуемли; 8. 2014 йилда и/ч., дав/рак: 10/260ABA, бошланғич баҳоси - 55 195 000 сўм бўлган Мидибус “ISUZU SAZHP” реуемли; 9. 2014 йилда и/ч., дав/рак: 10/261ABA, бошлан-ғич баҳоси - 55 195 000 сўм бўлган Мидибус “IS

Спорт

ЁШЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Олмалик шахридаги 20-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида футбол, баскетбол, тазк-вондо, курашнинг 5 йўналиши, бокс, сузиш тўғрисида шугулланаётган 782 ёш спортчиларнинг 150 га яқини қизлар. Уларга 22 тажрибали мураббий спорт сирларини ўргатмоқда.

— Бир неча йил илгари мактабимизда қизлар кам эди, — дейди муассаса директори Умида Назарова. — Сўнгги йилларда оилаларда соғлом муҳит шаклланиб, ота-оналар фарзандларини спорт тўғрисида етаклаб келишмоқда.

— Биз ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишимиз, иктидор ва салоҳиятимизни юзга чиқаришимиз учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланмоқдамиз, — дейди Шохроҳон Саидов. — Келажакда етук спортчи бўлиб, нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз



шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман.

2015 йил мактаб учун омадли келди. Мустақиллик байрами арафасида янги сув ҳавзаси, спорт зали ва футбол майдони болалар ихтиёрига топширилди.

— Бу каби қулайликларни қўриб, ёшларга ҳавасим келади, — дейди сузиш бўйича мураббий Дилдора Зиёвдиннова. — Барча қулайликка эга спорт залларида болалар мунтазам шугулланиб, жисмонан чиниқмоқда, со-

лом бўлиб улғаймоқда.

Келгусида муассасада бадий гимнастика, шахмат-шашка ҳамда қўшимча сув ҳавзаси қуриш режалаштирилмоқда.

Муҳаддас ИСРОИЛОВА.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

Индонезияда ўтказилган Осиё чемпионатида 1000 метр масофада каноэда эшак эшидада голиб чиқиб, Осиё чемпиони бўлган жуфтликнинг бири Чирчиқ шахрилик Нажмидин Улуғмуродов бўлса, иккинчиси Ўрта Чирчиқ тумани Туябўғиз қишлоғида яшовчи Суннатилла Иноғомов эди.



ТУЯБЎҒИЗЛИК ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Спортнинг каноэ тури билан уч йилдан бери шугулланиб келаётган Суннатилла Юнусовдун тумани 19-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари Екатерина ва Юрий Зарковлардан каноэ спорти сирларини ўрганиб, маҳоратини йил сайин ошириб бораётти.

Устозлари ишончини оқлаб, бирин-кетин мусобақаларда муваффақиятларга эришмоқда. Хусусан, республика чемпионатлари голиби бўлган С. Иноғомов ўсмирлар республика терма жамоаси аъзолари сафидан мустахкам ўрин олди.

— Оғулим — ҳамюртим Вадим Меньков сингари

Жаҳон ва Олимпиада мусобақалари совриндори бўлиб, юртим доғругини дунёга таратиш, — дейди Осиё чемпиони.

Дарвоқе, Индонезияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида катталар ўртасидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, голибликни қўлга киритган Вадим Меньков 2016 йилда Рио-де-Жанейрода бўладиган навбатдаги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мамуржон БОЗОРЛИЕВ.
Равшан МИРЗАЛОВ
олган сурат.



ГАРОВАДАГИЛАР ҚУТҚАРИБ ОЛИНДИ

Франция полицияси мамлакатнинг Рубе шаҳрида гаровга олинган фуқароларни қутқариш операциясини муваффақиятли якунлагани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.

Шаҳар прокурори Лилл Фредерик Февренинг сўзларига асосланиб тарқатилган ушбу хабарда айтилишича, икки ўғрининг бири йўқ қилинган. Агентлик илгари хабар қилганидек, номаълум қуролли кишилар Бельгия билан чегара яқинидаги Рубе шаҳрида одамларни гаровга олган. Маълумотларга қараганда, гаровга олинганлар орасида болалар ҳам бўлган. Полиция маҳамасидан хабар қилишлари, ҳамма гаровдагилар озод қилинган ва улар ҳаётига ҳеч қандай хавф таҳдид қилмапти.

RLT радиостанциясининг маълум қилишича, ушбу



ХАЛҚАРО КИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Париждаги террорчилик ҳаракатларини содир этишда бош айбдор сифатида гумон қилинаётган Салоҳ Абдеслам устидан халқаро кидирув эълон қилинди.

Шунингдек, одамлар Абдеслам билан бирга юрганини кўришган Муҳаммад Абрини исмли террорчи ҳам кидирилмоқда. Франциянинг сўрови билан ҳар икки гумондор террорчига оид "қизил фармойиш" эълон қилинди. Унга мувофиқ, террорчилар Интерполга кидирув истаган мамлакат ҳудудидан қўлга олинб, кидирув эълон қилган мамлакатга қайтарилиши лозим.

Гумондорлар террорчи бирлашмага аъзоликда, портловчи моддаларни сақлаш ва ташини, шунингдек, қурол-яроғ сотишда айбланмоқдалар. 14 ноябрь кун Парижда содир этилган бир нечта террорчилик акти чоғида тўпланиб турган одамларга қарата тўрт марта ўқ узилган, концерт зал-

ларидан бирида одамлар гаровга олинган, мамлакат пойтахти чеккасидаги "Стад де Франс" футбол ўйингоҳида уч марта портлаш содир этилган. Оқибатда 130 киши қурбон бўлди, 350 дан зиёд одам жабрланди. 19 ноябрь кун ўтказилган махсус операция жараёнида қатор террорчилик акти қилинган содир этганликда таҳмин қилинган Абдулхамид Абдул йўқ қилинди.



2015 – ТАРИХДА ЭНГ ИССИҚ ЙИЛ

"РИА Новости" агентлиги Бутунжаҳон метеорология ташкилоти (БЖМТ) маърузасига таяниб тарқатган хабарга кўра, 2015 йил метеорологик кузатув тарихида энг иссиқ йил бўлди.

Агентликнинг изох беришича, бу инсон омил, ер юзиде глобал иссиқ, шунингдек, Тинч уммонининг экваториал қисмидаги сув сатҳи ҳарорати кўтарилишининг натижасидир. "Ҳақиқатан ҳам 2015 йилдаги глобал иқлим ҳолати тарихга кириди, — деди БЖМТ бош котиби Мишел Жарро. — Айтидан келаси 2016 йил ҳам иссиқ, антропоген қилиб айтганда, янада иссиқроқ бўлиши мумкин".

Таъкидландики, 2015 йилнинг ёзи 125 йил-

дан кейинги энг иссиқ йил бўлди. Июль ойи эса 1880 йилда бошланган метеорологик кузатишлардан бугунги энг иссиқ ой сифатида тарихга кирди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ЭХТИЁТСИЗЛИК ТАШВИШ
КЕЛТИРАДИ

Вилоят халқ ҳўжалиги объектлари ва аҳоли тураржойларининг кузги-қишги мавсумдаги ёнғинга қарши ҳолатлари текширилмоқда. Иситиш қозонхоналари, ёритиш тармоқлари, электр ва газ билан таъминлаш шахобчаларининг техник ва ёнғинга қарши ҳолатлари ўрганилиб, ёнғинга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан раҳбарларга тавсиялар берилмоқда. ЕХБ ҳодимлари томонидан шаҳар ва туман газ, электр тармоқлари корхоналари вакиллари билан ҳамкорликда ташкилот ва корхоналарда, аҳоли ўртасида кузги-қишги мавсумда носоз электр ва газ ускуналаридан фойдаланишнинг салбий оқибатлари тушунтирилиб, ёнғин хавфсизлиги қондалари юзасидан суҳбатлар ўтказилмоқда.

Лекин ҳозирги кунда бизни ташвишга солаётган асосий муаммо иситиш печлари ва газ мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қондаларининг бузилиши натижасида содир бўлаётган ёнғинлардир. Айрим фуқароларнинг эҳтиётсизлиги ва эътиборсизлиги ўнглаб бўлмас йўқотишларга сабаб бўлмоқда. Шу боис ёнғин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан сақланиш,

ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида яна бир бор эслатамизки, газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қондаларига риоя қилиш, газ печлари соғлигини мунтазам назорат қилиш, тунда уларни ўчириш зарур.

Ўткир АБДУШАРИПОВ,
вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.

ЁНҒИН ЧИҚМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Совуқ кунлар бошланиши билан айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги сабабли ёнғинлар содир бўлиб, уй эгалари жабр кўрмоқда, давлатга ҳам моддий зарар етказилмоқда. Бунга йўл қўймайлик учун газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ ва кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камда бир марта тазаланиши лозим.

Газ печларини уч соатдан ортиқ қўйиш мумкин эмас. Печ ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гуғурт билан ўйнашига бе-парво қараш ёнғин чиқишининг асосий сабаблари ҳисобланади.

Лак, бўёқ, мебель ва синтетик кийимлар салгина учкун текканда аланга олади, шу сабабли уларни печлар ёнида сақлаш мум-

кин эмас. Ҳозирги кунда кўп қўлланадиган ким-ёвий моддалар, уй жиҳозлари, каучук ва пластмас-садан ясалган турли буюмлар тез ёнишидан ташқари, зарарли моддалар ҳам чиқаради. Тутун таркибида ҳавога тарқаладиган кислоталар, углерод, оксидланган азот ва бошқа зарарли газлар хонадон эгалари ҳаёти учун хавфлидир.

Содиқ ХАЛИМОВ,
12-ХЕҲО 1-ХЕҲ алоҳида пост катта инспектори.

БОЛАЛАРНИ ЁЛҒИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Фуқаролар давлат стандартига мос келмайдиган электр ва газда ишловчи қўлбола воситаларни кўр-кўрона ҳарид қилиб, фойдаланаларди.

Бунинг оқибатида хонадонларда ёнғинлар содир бўлиб, аянчи оқибатларга олиб келапти. Йиллар давомидаги меҳнат эвазига топилаган уй жиҳозлари кулга айланаяпти.

Яна шу нарсанинг гувоҳи бўлмоқдамизки, табиий газни печларга резина шлангларда улаб ёкиш оқибатида ёнғинлар юз берапти. Ушбу қондабузарликларнинг олдини олиш мақсадида фуқароларга ёнғин хавфсизлигига оид муҳим қонун-қондалар-

ни яна бир бор эслатиб ўта-миз. Хонадонингизда ёқувчи газ ва электр воситаларини назоратсиз қолдирманг. Иситиш печларини ёқишда тез ёнувчи суюқлик (бензин, керосин)лардан умуман фойдаланманг. Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр жиҳозлари ва газда ишловчи плита ва печларни ўчириб кетишни унутманг. Болаларни уйда ёлғиз қолдирманг.

Феруз ЭРМАТОВ,
12-ХЕҲО смена бошлиғи.

Ҳаёт сабоқлари

Шаҳноза салкам ўн йил фарзанд қутиб яшади. Турмуш ўртоғи Шохроҳ ҳам тишини-тишига қўйди. Бошқа иложи ҳам йўқ, улар узоқ йиллар севишиб, турмуш қуришган. Аммо, кўча-кўйдаги гап-сўзлар севишганлар қалбига наштар бўлиб ботарди. Охири кунлардаги турли ғийбатлар ўз ишини қилди. Эр-хотин жаззакчи бўлиб қолишди. Сал нарсаси гап талашиб, жанжаллашарди. Кейин икки-уч кун бир-бирларидан аразлаб юришарди.

Шундай кунларнинг бирида Шохроҳ ҳамкасб дўстиникига суннат тўйига бориб, ширакайф қайтаётганда синфдоши Акбарни учратиб қолди. — Кўринишингдан улфатчиликдан қайтайсан чоғи. Киттай-киттай...

— Ҳамкасбим суннат тўйи қилди. Шунга...

— Эй, дўстим, сенга қойил эмасман. Мана кўпчиликнинг тўйларига бориб, ошини еб, арагини ичиб юриссан. Аммо ўзингчи, ўзинг? Тўй қилиш ниятигиз борми? Ёки, шу тўғмас хотин билан яшаб, дунёдан ўтиб кетасанми?..

Аваллига Шохроҳ кайф устида дўстининг гапини яхши англамади. Аммо, Акбар хайр-хўшин насия қилиб жўнаворди.

Шохроҳ уйига бир ахволда кириб келди.

— Нима бало, яна ичиб келдизми, — деди хотини. — Шу кунларда тез-тез ичадиган бўлиб қолдингиз. Сабабини билсам бўладими?

— Ахир, сабабчи ўзинг-

— Айб фақат мендами? Бугун шифокор кўригига боргандим. Айтишича, ичим тўла бола эмиш. Фақат...

— Нима фақат?! Ўша шифокоринг, ҳойнаҳой,

тардек санчилди. Асабини жиловай олмай, хотинининг юзига тарсаки тортиди.

Эр-хотиннинг бақир-чақирини эшитиб, Шохроҳнинг ота-онаси ҳовлига қиқийди.

— Эр, эр бўлмай кет, — деди ота. — Ахир, бу бечоранинг гуноҳи нима? Тўғри гапни юзингга айтганими? Онанг иккимиз ҳам салкам ўн йил тирноққа зор яшаганмиз. Бормаган шифокоримиз қолмаган. Уларнинг маслаҳатига амал қилиб, даволандик. Мана, аввал сен, кейин сингилларинг туғилди. Сен ҳам хотининг айтганини қилиб, шифокор кўригига бор. Мени айтиди, дерсан, ҳаммаси жойида бўлади.

Эртаси кун Шохроҳ хотинини олиб, шифокор кўригига борди. Уч-тўрт ой даволанишган, ниҳоят, Шаҳноза ҳомиладор бўлди.

...Кўклар сепини ёйиб, борлиқ гўзалликка бурканган илк кунларнинг бирида Шохроҳ билан Шаҳноза ўғил фарзандларини бағриларига бо-сишди. Ниҳоят, бу хонадонда ҳам чақалоқ йиғиси эшитила бошлади.

Ҳозир Шохроҳ билан Шаҳноза икки ўғил, икки қизлик бўлишган. Бу оилага қишлоқдагилар ҳавас билан қарашади. Латифжон МАНСУРОВ.

ОИЛА
ЧИРОҒИ

ку! Онанг сени туғмас қилиб туққан экан. Мана, сенга қўшилиб мен ҳам жабрини тортаялман. Турмуш қурганимизга ўн йил бўлди...

Эрининг заҳарли гаплари Шаҳнозага оғир ботиб, баданидан совуқ тер чиқди, хўрлиги келди.

айбни менга ағдаргандир?

— Нима қилибди, лоқал бир марта шифокор кўригига борсангиз, осмон узилиб ерга тушмайди-ку!

Шаҳноза алам-аччиқ устида шундай деб юборди. Бу гап ширакайф Шохроҳнинг юрагига наш-

ЭЪЛОНЛАР

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 29 декабрь кунга соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибиде ўтказилган "Очиқ аукцион" савдо-сита қўйилган мулклар қўйилмоқда: ФИБ Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 12.08.2014 йилдаги 3812-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Оқўрғон туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 286 257 500 сўм бўлган Тошкент вилояти, Оқўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий ер майдони 0,2747 га, фойдалан майдони 731,92 кв.метр, 1-қаватда 16 та, 2-қаватда 18 та хонадон иборат 2 қаватли нотуғрайой биноси; ФИБ Заңтгога туманлараро судининг 29.01.2014 йилдаги 1-282/14-сонли ижро варақасига асосан Заңтгога туман СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 185 000 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Заңтгога тумани, Эшонгузар кўчаси, Гулпарно кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 607,0 кв.метр қават 10 та хонадон иборат бўлган уй-жой; ФИБ Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 14.07.2011 йилдаги 1214-сонли ижро варақасига асосан Оқўрғон туман СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 49 254 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Оқўрғон тумани, Оқўрғон шаҳри, Охунбобоев кўчасида жойлашган "ошхона" биноси; ФИБ Охангарон туманлараро судининг 21.08.2015 йилдаги 1-4013-15-сонли ижро варақасига асосан Ангрн шаҳар СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 42 500 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Ангрн шаҳри, Ботисурх маҳалласи, Уфқ

кўчаси, 1-А уйда жойлашган 4 та хонадон иборат бўлган хонадон. Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси голиб билан савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларнинг амалии ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидеги талабгорлар тўзлавадиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилот-чисининг АТБ "InfinBANK"даги 20208006000250955091, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўловлар ва ариза билан қўйида кўрсатилган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганидаги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юри-дик ва жисмоний шахслар — сўмадаги маблағларнинг келиб чиқиши қону-нийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар учун тўлов оли-нади.

ФИБ Тошкент шаҳар Мировот туманлараро судининг 02.04.2015 йилдаги 1-933-5431/15-сонли ижро варақасига асосан Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган бошланғич баҳоси 230 050 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Қўшқўрғон Қўйида жойлашган "молхона" биноси Бўстонлиқ туман СИБнинг 16.11.2015 йилдаги 4690-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олиниди.

ДИҚҚАТ ТУЗАТИШ!

"VIP REAL ESTATE" МЧЖ томонидан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2015 йил 21 ноябрдаги 93-сониде берилган эълони, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 24.08.2015 йилдаги 10-1521/14068-сонли ижро варақасига асосан Юкюрн Чирчиқ СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси — 916 500 000 сўм бўлган АЕКШ, "ФИБ Тошкент вилояти Чирчиқ туман судининг 1-245/15-сонли ижро варақасига асосан Юкюрн Чирчиқ тумани, Бордонқўл Қўйи, Янги ҳаёт кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 112 290 000 сўм ҳамда бошланғич баҳоси 223 850 000 сўм бўлган кўчмас мулк объектлари, Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 19.11.2012 йилдаги 11-1227/13778-сонли ижро варақасига асосан Чиноз туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси — 573 623 000 сўм бўлган "устохона биноси" бўйича савдо са-наси 11.12.2015 йил ўрнига 25.12.2015 йил деб ўқилсин. Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. E-mail: info@realtors.uz. Тел: (95) 143-0-143. Лицензия рақами RR 0173.

"KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф етгади!

Аукцион савдосига Ангрн шаҳар СИБ томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 11-1434/9419-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Назар-бекхотойўл" корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Ангрн шаҳри, Улуғбек кўчаси, 166-уйда жойлашган, умумий майдони 2614,60 кв.м, бўлган, 0002-литердаги техник ом-бор, 0013-литердаги омборхона би-носи, 0005-литердаги ТБ буюмлар тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 778 907 482 сўм 26 тийин. Аукцион савдоси 2015 йил 15 декабрь кунга соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қили-нади (13:00 дан 14:00 гача тушдиқ вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати 2015 йил 11 декабрь кунга соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд йиғинидан бўлгани-нинг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мум-кин.

Талабгорлар мулк бошланғич ба-ҳосининг 10 фоизидан кам бўлма-ган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Koshmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Илак йўли банк" АИТБ Сағбон филиа-лида 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказилган манзил: Тош-кент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамин кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

"KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ қўйилганларни маълум қилади!

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун ипполиниши муносабати билан дам олиш кунини қўйирип тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 ноябрдаги Қарорига асосан 2015 йил 7 декабрь кунини дам олиш куниде эълон қилинган. Koshmas mulk savdo xizmati МЧЖнинг очик аукцион савдо-сита қирилган Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 1-уй ман-зилида жойлашган Солиқ инспекциясининг фойдаланишга бўлмаган маълумрий би-носини аукцион кунини 2015 йил 9 декабрь кунига қўйирилганлигини маълум қиламиз.

Буюртнамалар қабул қилишнинг охири муддати аукцион савдоси бошлан-ишдан уч соат олдин таом бўлади. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Корақамин-1 кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: 228-80-23. Лицензия: RR-0001.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир